(«Бет ашар», 50-бет). *Тоты қустай* сыланып («Термелер», 375-бет). Атаң сениң *ақ қуўдай* («Көримлик айтым», 34-бет). *Көлдиң ерке қуўындай* («Тынық», 311-бет). *Ғаздай* қатар өскен еллер аман ба («Сәлем хат», 174-бет). Йүришиңди *мисли қуба ғаз* етип («Сәўдигим», 277-бет). Қанаты сынық *ғарғадай* («Бет ашар», 46-бет). Ийтаяққа қонған *ғарғадай* («Көримлик айтым», 38-бет). Сондай-ақ қораз, таўық, қарлығаш, қумай, таўыс, суңқар, бөдене, қырғаўыл киби қус атамалары да теңеўлердиң қурамында қолланылған: Қақаңлаған *қораздай* («Толғаў», 381-бет). Қақалаған *таўықтай* («Бет ашар», 48-бет). *Қалдырғаш қанатыдай*, Қаши бардур яр-яр («Яр-яр», 418-бет). *Қаршығадай* қыяланып («Салланған кимниң ярысаң», 293-бет). Тумағалы *қумай киби* («Келер саллана-саллана», 288-бет). *Таўыс киби* жылўа билән бақарсаң («Сәўдигим», 277-бет). Ушалмаған *суңқардай* («Бет ашар», 47-бет). *Бөденедей* жорғалап, *Қырғаўылдай* қорғалап («Алғыс», 244-бет). Дәли *қустай* талпыйды («Жоқлаў», 232-бет). *Қустай* қанат қағып алдыңа келдим («Кедим», 277-бет).

Жоқарыда аты аталған қус атамалары көпшиликке белгили, тилде өнимли қолланылып келмекте. Халық қосықлары тилинде қолланылған айырым қус атамалары менен байланыслы теңеўлер ҳәзирги әдебий тилде актив емес яки қолланыўдан шығып қалған. Мәселен, *Ийтелгидей* мойын салып («Гүлзийба қыз гүл яңлыды», 300-бет), *Күйгелек киби* көзлери («Гүлзийба қыз гүл яңлыды», 300-бет) қатарларында жумсалған *ийтелгидей, күйгелек киби* теңеўлерин алып қарайық. Ийтелги – жыртқыш қустың бир түри. Ийтке қосып аң алдырыўға үйретилген қус [3:265]. Күйгелек – көк реңли, қумырыға тәқаббил бозда жасайтуғын қуслардың бир түри. Күйгелек көзли – көзи сулыў адам [3:46].

Халық қосықларында *зат ҳәм буйым атамалары менен байланыслы (предмет кодлы) теңеўлер* де қолланылған. Олардың арасында қарақалпақ халқының өзине тән миллийлигин сәўлелендиретуғын басқур, елтири тон, арба, дуўтар, қобыз сыяқлы буйым ҳәм саз әсбап атамалары қолланылған: Ақ боз үйдиң *басқурындай* («Бет ашар», 55-бет). *Елтири тонның баўындай* («Айтымал», 50-бет). Шықпайтуғын *дуўтардай* («Бет ашар», 47-бет). *Қобызындай* Қыястың («Бет ашар», 58-бет). Көшери бузық *арбадай* («Бет ашар», 46-бет). Көкиреги *арбадай* («Көримлик айтым», 38-бет). Ал предмет эталонлы айырым теңеўлер болса ҳәзирги әдебий тилде сийрек қолланылады. Мәселен, Аўзы-басы *лопайдай* («Бет ашар», 52-бет). Лопай – асықтың үлкен түри, бул баспақ, тана, буға, өгиз, сыйыр ҳәм ири ҳайўанлардың аяғында болады, булардың асығын лопай дейди. Аўызы лопайдай – томпайған, үлкен аўыз, бултыйған аўыз, қалың еринли аўыз [3:251].

Соның менен бирге халық қосықлары тилинде аз санда болса да *диний түсиниклер атамасы менен байланыслы (диний кодлы) теңеўлер* ушырасады. Мәселен: Уйқылап жатқан *перидей* («Бет ашар», 47-бет). *Перидей* жылўа етер қызы Шымбайдың («Шымбай», 269-бет). *Ҳүр киби* бәҳәр жүзлери («Гүлзийба қыз гүл яңлыды», 300-бет). Жылмыңлаған *шайтандай* («Бет ашар», 40-бет).

*Мифологиялық атлар менен байланыслы (мифологиялық кодлы) теңеўлер*де халық қосықлары тилинде сийрек қолланылған: Ер азамат *Рүстем киби* шер болды («Қоңыратбай», 202-бет). *Рүстем дәстандай* қылды ойынды («Қарақалпақ», 386-бет). *Мәжнүн киби* шөлге алып гейинди («Та мен келгенше», 294-бет). *Жүсиптей* сын-сымбатың келген екен («Ҳәзил-дәлкек қосықлары», 351-бет). *Айдарҳадай* орады («Асқар батыр», 411-бет). Түриң *әждарҳаға мегзер* Кегейли («Кегейлиниң қазыўы», 392-бет).

Қарақалпақ халық қосықлары тилинде жумсалған теңеўлерди үйрениў нәтийжесинде төмендегидей жуўмаққа келдик:

1. Қарақалпақ халық қосықлары тилинде басқа бирликлерге салыстырған теңеўлер басым көпшиликти қурайлы. Олардаы лингвомәдений көзқарастан системалы түрде үйрениў әҳмийетли.
2. Халық қосықлары тилинде биоморф кодлы теңеўлер арасында *гүл* эталонлы теңеўлер өнимли. Бунда ҳаял-қызлардың жүзи, қәдди-бойы, инсан өмириниң жаслық шағы, сондай-ақ қызлардың муңы, ишки ой-кеширмелерин сәўлелендириўде *гүлдей* теңеўи өнимли қолланылған.
3. Космик кодлы теңеўлер арасында *ай* эталонлы теңеўлер тийкарынан ҳаял гөззаллығын сыпатлаў ушын жийи қолланылған.
4. Зооморф кодлы теңеўлер ишинде *қойдай* теңеўи лингвомәдений тәрепи менен басқаларынан ажыралып турады.

**Әдебиятлар**

1. Ашуров Д.А. «Алпомиш» достонининг лингвокультурологик хусусиятлари. филол. фан. фалс. д-ри (PhD) дисс. Автореф. –Наманган: 2021.
2. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. V том. Қарақалпақ халық қосықлары ҳәм салт жырлары. –Нөкис: «Қарақалпақстан». 1980.
3. Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги. I, II, III, IV томлар. –Нөкис: «Қарақалпақстан». 1982, 1984, 1988, 1992.
4. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: «Маънавият», 2013.
5. Нажимов П.А. Қарақалпақ тилинде теңеўлер. –Нөкис: «Қарақалпақстан». 2014.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада қорақалпоқ халқ қўшиқларида қўлланилган ўхшатишлар ва уларнинг юзага келишида маданий кодларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье говорится о сравнениях, используемых в каракалпакских народных песнях, и о значении культурных кодов в их создании.

**SUMMARY.** The article deals with the comparisons used in Karakalpak folk songs and the importance of cultural codes in their creation.

## INGLIZCHA – O‘ZBEKCHA – RUSCHA KIMYO TERMINLARI LUG‘ATI TAHLILI

**Sh.S.Ruzimov–** *assistent o'qituvchi*
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so‘zlar:** terminologiya, transkriptsiya, ma’nodosh, termin, frazeologiya, tanqidiy, takliflar, ishlab chiqmoq, yaxlit tizim, ilmiy.
**Ключевые слова:** терминология, транскрипция, синоним, термин, фразеология, критически, рекомендации, разрабатывать, целая система, научный.
**Key words:** terminology, transcription, synonym, term, phraseology, critically, recommendations, work out, whole system, scientific.

Ma’lumki, lug‘atlar ikki xil bo‘ladi: ensiklopedik va lingvistik. Bu ikki turdagi lug‘atlar lug‘at birliklarining nimaga qaratilgani bilan farqlanadi. Lug‘atga kiritilayotgan birliklar barcha tushunchalarni o‘z ichiga olsa ensiklopedik lug‘at, ma’lum bir tildagi so‘zlarni o‘z ichiga olsa esa lingvistik lug‘at hisoblanadi. Lingvistik lug‘atlar ham o‘z o‘rnida ikki turga bo‘linadi: tarjima lug‘at va izohli lug‘at. Tildagi so‘zlarni izohlashga qaratilgan lug‘atlar izohli lug‘at, muayyan tildagi so‘zlarning ikkinchi tilga tarjimasini berishga qaratilgan lug‘atlar esa tarjima lug‘atlar sanaladi.

Hozir ko‘rib chiqmoqchi bo‘lgan lug‘atimiz esa M.Shokirova hamda Sh.Nurullayevlarning inglizcha – o‘zbekcha – ruscha kimyo terminlari lug‘ati bo‘lib mazkur

lug‘at so‘zlikning tanlanishiga ko‘ra tarmoq lug‘at hisoblanadi. Sababi, ushbu lug‘atda faqatgina kimyoga oid terminlarninggina uchta tildagi muqobili berib o‘tilgan.

Lug‘at kimyo-texnologiya oliy ta’lim muassasalarining bakalavriat va magistratura ta’lim yo‘nalishi talabalari uchun qo‘llanma sifatida tavsiya etilgan.

Ushbu lug‘atni tuzishda kimyo fanlari nomzodi M.Q.Abdumavlonov hamda filologiya fanlari nomzodi G.S.Keldiyorovalar ham qatnashishgan.

Lug‘atda 5270 ta so‘z (kundalik hayotda ishlatiladigan ba’zi so‘zlar ham kiritilgan bo‘lib, bu so‘zlar har bir sohada o‘z ma’nosiga egadir) va ularning izohlari, qisqartma so‘zlar, shuningdek, Mendeleyevning kimyoviy elementlar davriy jadvali ham kiritilgan, so‘zlar alifbo tartibida joylashtirilgan.

Bu lug‘atda foydalanuvchilar uchun bir qancha qulayliklar berilgan. Jumladan, terminlarning o‘zbek tilidagi tarjimasi bilan birga izohi ham qavs ichida yozib o‘tilgan.

Masalan: **acetic acid –** sirka kislota $C_2H_4O_2$ (o‘tkir hidi bor, rangsiz suyuq modda, bir negizli to‘yigan kislota) – уксусная кислота [1:20].

Ba’zi so‘zlarning ikki va undan ortiq ma’nolari berilgan va ular ‘**;** (nuqtali vergul)’ bilan ajratib ko‘rsatilgan. Masalan: **age** – asr; yosh; qarimoq, eskirmoq – век; возраст; стареть [1:25].

Bundan tashqari, lug‘atning oxirida kimyo fani bo‘yicha adabiyotlarda ishlatiladigan qisqartma so‘zlarning tarjimalari hamda kimyoviy formulalarning ingliz tilida o‘qilishiga misollar ilova qilingan.

Lug‘at so‘nggida kimyoviy formulalarning o‘qilishi berib borilgan:

+ is to be read as “plus”, “and”, “together with”.

- is not read in formulas.

= is to be read as “give” “form”

→ is to be read as “give”, “pass over to”, “lead to”.

↔ is to be read as “forms and is formed from” [1:321].

Shuningdek, lug‘atda berilgan matematik belgilarning rus tilidagi emas, faqatgina ingliz tilidagi muqobili berilgan va ular quyidagicha:

- - minus

+ - plus

× - times, multipled by

÷ - divided by

= - is; is equal to; equals

2×2=4 - twice two is (equal) four or twice two makes four

25°C - twenty five degrees Centigrade

0° - zero

-2° - minus two degrees, two degrees below zero

+3° - plus three degrees, three degrees above zero

$^{a3}\sqrt{a}$ - the cube root of a [1:323].

Mazkur lug‘atning eng afzal tomonidan biri shundaki, lug‘at so‘ngida boshqa tillardan kirgan o‘zlashma so‘zlar ro‘yxati inglizcha-o‘zbekcha-ruscha tartibda berilgan. Bunday o‘zlashma so‘zlarni aksariyat lug‘atlarda uchratish mushkul. Quyida ulardan misollar keltirib o‘tamiz:

| | | |
|---|---|---|
| **a.m.** ante meridiem | kun yarmidan oldin | до полудня |
| **e.g.** exempli gratia = for example | masalan, misol uchun | например |
| **et al.** | va boshqallar | и другие |
| **etc.** et cetera = and so on = and so forth | va hokazo | и так далее |
| **i.e.** id est = that is | ya’ni | то есть |
| **n.b.** nota bene | eslatma | примечание |
| **per capita** | jon boshiga | на душу населения |
| **vice = versa** | teskarisiga, aksincha | наоборот |
| **viz.** videlicet = namely | ya’ni, chunonchi | а именно [1:327] |

Bundan tashqari, ingliz tilida ko‘p ishlatiladigan yordamchi so‘zlar, predlogli fe’llar, frazeologik birikmalar ro‘yxati ham berilgan:

| | | |
|---|---|---|
| **a number of** | bir qator | ряд |
| **as soon as** | bilanoq | как только |
| **at present** | hozirda, hozirgi paytda | в настоящее время |
| **both … and** | ham … ham | и … и … |
| **by means of** | yordamida, vositasida | посредством |
| **for this reason** | shu sababli, tufayli | для этой цели |
| **give rise to** | …ga olib keladi | приводить к, [1:331] |

Yuqorida sanab o‘tilgan yutuqlar bilan bir qatorda ayrim kamchiliklar ham mavjud. Jumladan, lug‘atda so‘zlarning o‘qilish transkripsiyasi berilmagan.

Masalan: **accumulator**- akkumulator – аккумулятор [1:20].

Lug‘at boshida qo‘shimcha fonetik material tarzida ingliz tilidagi tovushlar va harf birikmalarining o‘qilish jadvali berilgan. Biroq shunga qaramasdan, kimyo fani o‘rganuvchilariga lug‘atdan foydalanish davomida so‘zlarni to‘g‘ri talaffuz qilishda qator muammolar tug‘ilishi turgan gap. Shu sababdan so‘zlik tarkibida har bir so‘zga to‘rburchak qavs ichida alohida transkripsiya berib borilishi zarur edi.

Masalan: **artificial radioactivity** [ˌɑːtɪfɪʃəlˌreɪdiəʊækˈtɪvɪti] - искусственный радиоактивность.

Bundan tashqari, lug‘at tarkibidagi so‘zlarning qaysi so‘z turkumiga mansubligi ko‘rsatilmagan. Masalan: **accelerator** – tezlatuvchi - ускоритель

Ma’lumki, aksariyat lug‘atlarda so‘zlarning turkumi lug‘at maqolachasidan so‘ng o‘sha so‘z turkumining bosh harfi bilan belgilanadi. Masalan, *ot/noun – n., sifat/adjective – adj., fe’l/verb – v.,* yoki *predlog/preposition – prep.* va hokazo.

Yuqoridagi namuna esa quyidagicha ko‘rinishda berilsa maqsadga muvofiq bo‘lardi: **accelerator** n – tezlatuvchi - ускоритель

Shuningdek, mazkur lug‘at o‘z ichiga kimyoviy atamalarni olgani sababli, kimyo fanida uchraydigan qisqartma so‘zlarni ham keltirib o‘tish lozim edi. Masalan: n. c – normal condition – n. sh – normal sharoitda; IUPAC – International Union Pure of Applied Chemistry - Butunjahon Xalqaro va amaliy Kimyo Ittifoqi va hokazo.

Lug‘atni tahlil qilish mobaynida uchragan yana bir kamchilik bu noto‘g‘ri fellarning o‘tgan zamon shakli mutlaqo qayd etilmagani:

**give out –** qo‘yvormoq - испускать

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz joizki lug‘at tuzish jarayoni qanchalik mashaqqatli bo‘lmasin, lug‘at maqolalarining alifbo tartibining to‘g‘ri qo‘yilishi, ma’no xususiyatlari, paronimlarning, so‘z turkumlarining o‘z o‘rnida ishlatilishi, zarurat bo‘lsa lug‘at maqolasi tarkibida grammatik ma’lumot berilishi, fonetik transkripsiyaning to‘g‘ri berilishi natijasida erishilgan muvaffaqiyat shuncha ahamiyatli bo‘ladi.

## Adabiyotlar


1. Shokirova M., Nurullayev Sh. Inglizcha - o‘zbekcha – ruscha kimyo terminlari lug‘ati (Mas’ul muharrir: O‘zbekiston Davlat jahon tillari universiteti filol. Fanlari nomzodi, dotsent T. T. Ikromov). -Toshkent: ‘Tafakkur Bo‘stoni’, 2013.
2. “Узбекско - русский словарь”. –Москва: 1959.
3. “Русско - узбекский словарь” 2 tomli. –Ташкент: 1978.
4. “English - Russian dictionary” V.K.Myuller. M., ‘Русский язык’ 1978.
5. Shavkat Butayev “inglizcha-o‘zbekcha”. (80000 so‘z va ibora) “O‘QITUVCHI” nashriyot-matbaa ijodiy uyi. –Toshkent: 2013.
6. Isaqov U., Rahimov M., Sobirov B., Temirov S., Isaqov Sh. “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (20000 so‘z va fe’lli birikma) “Yangi asr avlodi” nashriyot-matbaa markazida tayyorlangan. “Yoshlar matbuoti” bosmaxonasida bosilgan. -T.: 2005.
7. Akbar Kholmuradov, R. Azizov INGLIZCHA-O‘ZBEKCHA LUG‘AT (20 mingga yaqin so‘z va ibora). -Toshkent: «Tamaddun», 2012, 504-b.
8. Jo‘rayev L.H. “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at (8000 so‘z) –Toshkent: “Davr nashriyoti” 2013.
9. Nazarov S., Nazarova F., Adizova N., Poltayeva D. “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (35000 so‘z va ibora) “Niso Poligraf” nashriyoti, 2013.
10. Mirzarahimova M., Poltayeva D. “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (15000 so‘z va ibora) “Akademnashr”. –Toshkent: 2014.
11.. Raxmonov G‘.,A’zamov A., Kadirbekova D. “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (15000 so‘z va ibora). –Toshkent: “Talqin”, 2014.



**REZYUME.** Maqolada inglizcha-o‘zbekcha-ruscha (M.Shokirova, Sh.Nurullayev) lug‘at tuzilish tamoyillari tanqidiy tahlil qilindi, yutuq va kamchiliklarini misollar bilan ko‘rsatgan holda uni takomillashtirishga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqildi.

**РЕЗЮМЕ.** В этой статье собраны принципы англо - узбекско - русский словарь была исследована и показана их преимущества и недостатки с примерами и разработаны практические рекомендации по совершенствованию принципов составления словарей следующего поколения с помощью сравнительно-типологического метода, компонентный анализ и методы классификации.

**SUMMARY.** In this article compiling principles of English-Uzbek-Russian (M. Shokirova, Sh. Nurullayev) dictionary were investigated and shown its advantages and disadvantages with examples and practical recommendations for improving compiling principles of the next generation of dictionaries were worked out.


## РЕПРЕЗЕНТАТИВ НУТҚИЙ АКТЛАРНИ ДИСКУРСДА ВОҚЕЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ


**А.Ф.Шамахмудова –** *филология фанлари буйича фалсафа доктори, доцент*

*Самарқанд давлат чет тиллар институти*



**Таянч сўзлар.** хурмат тамойиллари, ижобий образ, салбий образ, лисоний ҳаракат, нутқий акт, воқелик, ижтимоий муҳит, репрезентатив.

**Ключевые слова:** принцип вежливости, позитивный образ, негативный образ, лингвистические стратегии, реальность, социальная среда. репрезентатив.

**Key words:** principle of politeness, positive image, negative image, linguistic strategies, reality, social environment, assertive.


**Кириш.** Ҳар қандай ижтимоий ёки лисоний ҳодиса сингари, ҳурмат тамойилларининг воқеланиши ҳам хос тарихий даврларда ҳар хил ўзгаришларга дучор бўлиши, ушбу масалани тарихий нуқтаи назардан ҳам таҳлил қилиш эҳтиёжини туғдирмоқда. Вақт ўтиши сайин хушмуомалаликнинг моҳияти ҳам ўзгариб бормоқда. Зеро, тил соҳибларининг ижтимоий табиати, ҳаёт ва тафаккур тарзи ҳам ўзгаришларга мойил бўлади. Маданиятда содир бўлган ижтимоий тарихий ислоҳотларга мувофиқ, олдинги даврда хушмуомалаликнинг лисоний вербаллашуви замонавий лингвистик стратегиялардан фарқ қилиши мумкин. Мазкур лисоний ўзгаришлар замоннинг турли хил тарихий босқичларида ҳар хил прагматик меъёрларни яратувчи маданий алмашинув, ижтимоий қадриятлар ва тимсолларнинг янгиланиши билан боғлиқдир.

Мазкур мақолада биз эътиборимизни айнан репрезентатив нутқий актларга қаратишни ният қилдик. Репрезентатив нутқий актлар ўз табиатига кўра хушмуомала бўлмаган нутқий актлар доирасига киради, бинобарин уларнинг амалга оширилишида суҳбатдошга қулайлик туғдириш каби имплицит мақсад мавжуд бўлмайди.

**Асосий қисм.** Репрезентатив нутқий актлар доирасида ҳурмат тамойиллари кўп ҳолларда бевосида ифодаланмасдан, хушмуомалалик эксплицит, яъни билвосита воқеланишига гувоҳ бўлдик. Ушбу турдаги нутқий актлар адресатнинг ўз фикрининг ҳаққонийлигига ишончини ифодалаб, мулоқот иштирокчилари фикрлари ўртасида номутаносибликнинг келиб чиқиши, уларнинг ижобий образига хавф солиш эҳтимоли мавжуд бўлади. Шу боис, ушбу ҳолатда ҳурмат тамойилларига таяниш, репрезентатив нутқий актларнинг иллокутив кучини юмшатиш, норозилик оҳангини пасайтириш, суҳбатдошларнинг шахсий образини ҳурмат қилиш ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларини мувозанатда сақлаш мақсадида амалга оширилади.

Ҳурмат тамойилларининг репрезентатив нутқий актлар кўламида фаоллашуви турли лисоний воситалар, стреотип тузилмалар орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу шаклларда адресат қиёфаси эксплицит тарзда ифодаланган бўлади. Улардан нутқий тузилмада фойдаланиш адресатнинг етказган ахборотида субъектив мулоҳазалар қатъийлиги чегараланади, яъни, сўзловчи талаффуз этган лисоний бирикманинг хаққонийлигига жавобгарлигидан озод этилади. Унинг суҳбатдошига, ўз навбатида, ўз фикрида қолиш эркинлиги берилади, яъни нутқий тузилманинг ҳаққонийлигини қабул қилиш мажбурий хисобланмайди. Қиёсланг: *Eso al menos es **mi opinión** [1:58]; No veo en este modo de expresarse toda la exactitud que conviene **a mi parecer** en las cosas [1:106]; La otra reflexión del señor Javier es también poco fundada **a mi entender** [1:26].*

Кўриб турганимиздек, иккита охирги мисолда суҳбатдош бевосита ифодаланишни олдини олиш мақсадида камтарона кўплик шаклидан фойдаланиб (бу ерда nuestro эгалик олмоши), псевдоинклюзив мазмунни баён этади. Псевдоинклюзив лисоний ҳаракатларнинг хусусиятларини куйида кўриб чиқамиз: *Te he traído hasta bolsos, porque **si no me engaño**, ni aun bolsos tienes [3:153]; Y en fin, pase el chaval de los botones, que, **si no me equivoco**, no presta servicios en consonancia con lo que consume [1:18]; Pues **si no estoy mal informado** tienes mucho trabajo que hacer [3:122].*

Испан бадиий асарларидан олинган ушбу мисолларда стереотиплашган формулалар туркуми воситасида адресант ифодалаган мушоҳада шунчаки унинг шахсий фикри эканлиги, воқелик билан тўғри келиши ёинки мутлақ ҳақиқат эканлигига ишонтиришга мажбурламаслигини кузатишимиз мумкин. Мазкур тузилмаларда ишончсизлик модал мазмуни ифодаланиши билан бир қаторда, нутқий актнинг иллокутив кучи пасайтирилишини эътироф этиш лозим.

Испан мулоқот маданиятида оммалашган тузилмаларнинг яна бир кўриниши репрезентатив нутқий актларда юзага келиши эҳтимоли бўлган қўполлик мазмунини юмшатишга қаратилган. Гап узр,